

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Эскалаторлар ва ҳаракатланувчи йўлакларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 28 февралдаги ПҚ-91-сон қарорига мувофиқ эскалаторлар ва ҳаракатланувчи йўлаклар хавфсизлигига доир талабларни белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Эскалаторлар ва ҳаракатланувчи йўлакларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламент (кейинги ўринларда — Техник регламент) 1-иловага мувофиқ;

Эскалаторлар ва ҳаракатланувчи йўлакларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентни жорий этиш схемаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Техник регламент расмий эълон қилинган кундан бошлаб олти ой ўтгач амалга киритилсин.

3. Эскалаторлар ва ҳаракатланувчи йўлакларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламент амалга киритилиши муносабати билан унда кўрсатилган маҳсулотларни стандартлаштириш бўйича илгари қабул қилинган норматив ҳужжатлар мажбурийлик хусусиятини йўқотиши ва белгиланган тартибда мазкур Эскалаторлар ва ҳаракатланувчи йўлакларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентга зид бўлмаган қисмида қўлланилишида ихтиёрийлик касб этиши маълумот учун қабул қилинсин.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси ва Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг мақсадлари, мазмуни ва уни қўллаш тартиби тўғрисида аҳоли, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг кенг хабардор қилинишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси раиси А.В. Рафиқов ва Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директори А.Р. Жуманазаров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. Арипов

Эскалаторлар ва ҳаракатланувчи йўлаклар хавфсизлиги тўғрисида ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу техник регламент эскалаторлар ва ҳаракатланувчи йўлакларга нисбатан хавфсизлик талабларини белгилайди.

2. Ушбу Техник регламент талаблари 8428 40 000 0 ТИФ ТН ВЭД да келтирилган барча турдаги эскалаторлар ва ҳаракатланувчи йўлакларга нисбатан татбиқ этилади.

3. Мазкур техник регламент кучга киргунга қадар ишлаб чиқарилган ва ўрнатилган эскалаторлар ва ҳаракатланувчи йўлакларга нисбатан татбиқ этилмайди.

4. Ушбу техник регламентда қуйидаги атамалар ва таърифлар қўлланилади:

оғиш бурчаги – зинапоялар, пластиналар ёки ленталар ҳаракатланадиган жойдаги горизонталга нисбатан максимал бурчак;

мулкдор – эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакча жойлашган бино (иншоот) ёки унинг бир қисмининг мулкдори (мулкдорлари), эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлаклардан фойдаланадиган бинони (иншоотни) хўжалик юритуви ёки тезкор бошқарувини амалга оширадиган, бу эскалаторларни ёки ҳаракатланувчи йўлакларни белгиланган мақсадлари бўйича қўллайдиган ва унинг хавфсиз ишлашини ташкил этадиган жисмоний ёки юридик шахслар;

эскалатор – зинасининг юзаси горизонтал ҳолатда қолувчи, йўловчиларни кўтариш ёки тушириш учун мўлжалланган электромеханик юритмага эга, узлуксиз ҳаракатланувчи зинадан иборат кўтариш-транспорт машинаси;

ҳаракатланувчи йўлак – узлуксиз пластина ёки тасманинг кўтарувчи юзаси ҳаракат йўналишига параллел бўлган, йўловчиларни олиб ўтишга мўлжалланган, электромеханик юритмали кўтариш-транспорт машинаси.

ишлаб чиқарувчи – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларни ишлаб чиқариш ёки муомилага киритиш билан қонунчиликда белгиланган тартибда шуғулланувчи ҳамда ушбу қурилмаларни техник регламент талабларига мувофиқлиги учун жавобгар бўлган юридик ёки жисмоний шахс, жумладан хорижий ишлаб чиқарувчи;

импорт қилувчи – бошқа давлатдан эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакчани Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомилага чиқарувчи, ушбу техник регламент талабларига мувофиқлиги учун жавобгар ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси резиденти мақомига эга ҳар қандай юридик шахс;

ўрнатувчи – эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларни техник регламент талабларига мувофиқ ўрнатишга жавобгар бўлган юридик шахс;

эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакча паспорти – эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакчанинг асосий идентификация қилувчи ҳужжати бўлиб, у ишлаб чиқарувчининг қафолатларини, ишлаб чиқилган вақти, уларнинг серия рақамлари, эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакча ва унинг жиҳозларининг асосий техник тавсифлари, шу жумладан ўрнатилган хавфсизлик мосламалари, белгиланган хизмат муддати, уни утилизация қилиш тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади ва эксплуатация қилиш жараёнида маълумотларни киритиш учун мўлжалланган ҳужжат;

ишчи тўхтатиш қурилмаси – электродвигател ўчирилганда ҳаракатланувчи юзани тўхтатиш учун мўлжалланган қурилма;

ихтисослаштирилган монтаж ташкилоти – Ўзбекистон Республикаси Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси томонидан белгиланган тартибда эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларни ўрнатиш, таъмирлаш ва эксплуатация қилиш ишларини амалга оширишга рухсатнома олган, техник воситалар ва малакали мутахассисларга эга ташкилот;

фавқулодда тўхтатиш қурилмаси – эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакчанинг тезлик чеклагичининг ишлаб кетиши, эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакчанинг ўз ўзидан ҳаракатланиш йўналишини ўзгартириши, шунингдек ишчи тўхтатиш қурилмаси ишдан чиққанида ҳаракатланиш юзасини тўхтатиш қурилмаси;

тутқич – йўловчилар қўли учун тиргак сифатида фойдаланиладиган, тутқич қурилмаси йўналиши бўйлаб узлуксиз ҳаракатланадиган тасма;

хавфсизликни асослаш – хавф таҳлили, шунингдек ҳаёт циклининг барча босқичларида эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларга ҳамроҳлик қилувчи ва капитал таъмирлаш ўтказилгандан кейин фойдаланиш босқичида хавфларни баҳолаш натижалари тўғрисидаги маълумотлар билан тўлдириладиган хавфсизликни таъминлаш бўйича минимал зарур чора-тадбирлар тўғрисидаги конструкторлик, фойдаланиш, технологик ҳужжатлардаги маълумотлар.

2-боб. Хавфсизлик талаблари

1-§. Умумий талаблар

5. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлаклар ушбу техник регламентга мувофиқ бўлганда муомалага чиқаришга рухсат этилади.

6. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлаклар эгаси ўрнатиш, фойдаланишга топшириш, даврий кўрикдан ўтказиш ва техник хизмат кўрсатиш, шунингдек техник кўрик ва синовдан ўтказиш ишларини белгиланган тартибда ташкил этади.

7. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакчани тайёрлаш учун ишлатиладиган элементлар белгиланган хавфсизлик талабларига мувофиқ бўлиши керак.

8. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлаклар уларни фойдаланиш шароитларига (иқлим омиллари, ифлосланганлиги, муҳитнинг агрессивлиги ва портлаш хавфи, ўрнатилган ҳудуднинг сейсмиклиги ва ҳ.к.) мувофиқ лойиҳалаштирилиши, ишлаб чиқарилиши ва ўрнатилиши керак.

9. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларни лойиҳалашда хавфсизлик асослари ишлаб чиқиши керак. Хавфсизлик асосининг асл нусхаси ишлаб чиқарувчида (лойиҳаловчида), нусхаси эса эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакни ишлаб чиқарувчисида ва эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакдан фойдаланувчи ташкилотда сақланади.

10. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларни лойиҳалаштириш, тайёрлаш, монтаж қилиш, модернизациялаш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланишнинг ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлиги учун ушбу ишларни бажарган ташкилотлар ва корхоналар жавобгар ҳисобланади.

11. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларининг таркибий қисмлари ва деталлари бир нечта корхонада ишлаб чиқарилган бўлса, эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларни ишлаб чиқариш ёки капитал таъмирлаш сифати ва унинг техник ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги учун эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларини етказиб берган ёки уни капитал таъмирлаган корхона жавобгар ҳисобланади.

12. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларни ўрнатиш, таъмирлаш, модернизациялаш ва реконструкция қилиш жараёнида конструкторлик ҳужжатларидан четга чиқиш зарурати туғилганда эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларини ишлаб чиқарувчи корхона ёки лойиҳа (конструкторлик) ташкилоти билан келишилган бўлиши керак.

13. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларни ўрнатиш ва таъмирлаш ишлари фақат эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларнинг эксплуатация ва таъмирлаш ҳужжатлари асосида рухсатномага эга ихтисослаштирилган монтаж ташкилоти томонидан бажарилиши керак.

14. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларни техник кўрикдан ўтказиш 12 ойдан кам бўлмаган муддатда бир марта амалга оширилади.

15. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларни тайёрловчи корхона ҳар бир тайёрланган эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакча тўғрисидаги маълумотларни завод рақами, тайёрланган санаси, буюртмачининг номи ва манзили тўғрисидаги маълумотлар ҳисобини юритиб бориши лозим.

16. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларнинг эгаси қуйида кўрсатилганларни тامينлаш орқали эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакчани соз ҳолатда сақлаши ва хавфсиз фойдаланишни таъминлаши керак:

а) эскалаторни ва ҳаракатланувчи йўлакларни назорат қилувчи шахс тайинланган бўлиши керак;

б) эскалаторни ва ҳаракатланувчи йўлакларни соз ҳолатда сақлаш ва ундан хавфсиз фойдаланиш учун масъул шахс тайинланган бўлиши керак;

в) эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларни бошқариш, уларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун масъул ходимлар тайинланиши керак;

г) эскалаторлар ва ҳаракатланувчи йўлакларни даврий кўрикдан ўтказиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари ташкил этилиши керак;

д) эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларда бўлган йўловчиларни визуал кузатиш учун малакали ходимлар тайинланиши керак;

е) эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларни соз ҳолатда сақланиши ва ундан хавфсиз фойдаланилишини назорат қилиш бўйича масъул шахслар,

шунингдек эскалаторга хизмат кўрсатувчи ходимларни ўқитилиши ва даврий билим синовларидан ўтказилиши ташкиллаштирилиши шарт;

ж) эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларга хизмат кўрсатувчи ходимлар ишлаб чиқариш йўриқномалари билан, назоратини олиб бориш, соз ҳолатда сақлаш улардан хавфсиз фойдаланиш учун масъул бўлган шахслар ушбу техник регламент, лавозим йўриқномалари ва норматив-техник ҳужжатлар билан таъминланган бўлиши керак;

з) эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлаклар ускуналари жойлаштирилган хоналарнинг калитларини сақлаш ва бериш тартиби ишлаб чиқилган ва таъминланган бўлиши керак.

и) эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларнинг кириш ва чиқиш жойларига ўқиш ва кузатиш қулай бўлган йўлакдан фойдаланиш бўйича визуал маълумот коидаларини жойлаган бўлиши керак.

17. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларни назоратини олиб бориш, соз ҳолатда сақлаш ва улардан хавфсиз фойдаланиш бўйича жавобгар шахслар корхона бўйича буйруқ (фармойиш) билан муайян эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларга бириктирилади.

18. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлаклар ишга туширилишидан олдин, лекин суткасига камида бир марта кўрикдан ўтказилиши керак, йўловчилар томонидан “STOP” тугмаси босилганда, зарурат бўлмаган ёки ташқи тасир сабабли электр таъминотида бўлган узилиш ҳолатлари бундан мустасно.

19. Техник хизмат кўрсатиш натижалари ва носозликларни бартараф этиш тўғрисидаги маълумотлар техник хизмат кўрсатиш журнаliga киритилиши керак.

2-§. Эскалаторлар ва ҳаракатланувчи йўлакларнинг тузилишига қўйилган хавфсизлик талаблари

20. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларни юклама остида ишга тушириш ва тўхтатиш учун юқори ва пастки кириш майдончаларида фақат хизмат кўрсатувчи ходимлар фойдаланиши мумкин бўлган бошқарув пультлари ўрнатилиши керак.

21. Эскалаторлар ва ҳаракатланувчи йўлакларнинг масофадан бошқариш пультлари улар жойлашган ҳудудда ёки ундан ташқарида ҳам жиҳозланган бўлиши мумкин.

22. Эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакларни йўловчилар билан биргаликда масофадан бошқариш пульти орқали ишга туширишга фақатгина эскалаторда ёки ҳаракатланувчи йўлакларда йўловчиларни кузатиш имконияти таъминланган ва йўловчилар учун ишга тушириш тўғрисида огоҳлантирувчи ахборот берилган ҳолда эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлаклар ёнида бўлган ходимлар билан сўзлашув алоқаси таъминланган тақдирда йўл қўйилади.

23. Эскалаторлар ёки ҳаракатланувчи йўлакларни улардаги йўловчилар билан ҳар қандай бошқарув пультидан тескари йўналишда хато ишга туширилишига йўл қўйилмаслиги керак.

24. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларни автоматик ишга тушириш ва тўхтатиш қурилмалари, шунингдек видеокузатув воситалари билан жиҳозлашга

йўл қўйилади. Автоматик ишга тушириш фақат эскалаторда ва ҳаракатланувчи йўлакларда йўловчилар бўлмаганда, баланд овозли алоқа орқали огоҳлантирувчи маълумот берилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

25. Кўчма бошқарув пульти бошқарув тугмалари тасодифан ёки кетишидан сақланган бўлиши керак. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларнинг ҳаракати фақат қўшимча контакт махсус калит билан уланганда ва тегишли йўналишдаги тугмалар босилганда амалга оширилиши керак. Бундан ташқари, кўчма пулт ҳаракат йўналишини кўрсатувчи “кўтарилиш” ва “тушиш” ёзувлари бўлган “STOP” ўчиргичи билан жиҳозланган бўлиши керак.

26. Қурилиш конструкциялари эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлаклардан тушадиган юкламага мўлжалланган бўлиши керак. Бинонинг эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларга туташган ёпмалари монтаж ва транспорт воситалари ҳамда эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлаклар узелларидан тушадиган юкламаларга ҳисобланиши керак. Эскалатор учун конструкциялар ва асос (закладной) деталлари лойиҳалаш бўйича қурилиш топшириғи, ҳисоблаш ва конструкторлик ишлари учун зарур бўлган маълумотларни, жумладан ҳисобий юкламалар (йиғилган ва тақсимланган) миқдори, уларнинг хусусияти ва таъсир этиш жойларини ўз ичига олиши керак.

Эскалатор учун конструкциялар ва илова қилинадиган деталлари лойиҳалаш бўйича қурилиш топшириғи ҳисоблаш ва конструкторлик ишлари учун зарур бўлган маълумотларни, жумладан ҳисобий юкламалар миқдорини, уларнинг хусусияти ва таъсир этиш жойларини (йиғилган ва тақсимланган) ўз ичига олиши керак.

27. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларнинг конструкцияси уларнинг таркибий қисмларига кириш ва зинапоя юзаси, балюстрада ва ўраёпма плиталаридаги тешиклар орқали хизмат кўрсатиш, монтаж ва демонтаж қилиш имкониятини таъминлаши керак.

28. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлаклар ва уларнинг узеллари белгиланган мустаҳкамлик ва ишончлилиқни таъминлаши, фойдаланиш, кўрикдан ўтказиш, техник хизмат кўрсатиш учун хавфсиз ва қулай бўлиши керак.

29. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларнинг юк кўтарувчи полотноси ажратилган тақдирда юк кўтарувчи полотно ишчи тармоғининг геометрик шакли сақланиши таъминланиши керак.

30. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлаклар конструкциясида унга кириш майдончалари олдидаги зинапоя/пластинанинг кўтарилишига тўсқинлик қилувчи қурилмалар кўзда тутилиши керак.

31. Ажраладиган бирикмаларни маҳкамлаш қурилмалари уларнинг ўз-ўзидан ажралишини истисно қилиши керак.

32. Блоклар, роликлар ва бошқа айланувчи деталлар учун таянч вазифасини ўтайдиган қўзғалмас ўқлар мустаҳкам маҳкамланган ва уларнинг қўзғалмаслигини таъминлайдиган мосламалар билан жиҳозланган бўлиши керак.

33. Хизмат кўрсатиш учун ходимлар кириши мумкин бўлган ҳаракатдаги механик қисмларда, сақловчи қурилмаларда ва электр ускуналарида техник ходимларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган ҳимоя чоралари кўрилиши керак.

34. Фойдаланувчи эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларнинг нормал иш режимида уларнинг ҳаракатланувчи деталларига, масалан, юритманинг

айланувчи элементлари, юк кўтарувчи лента ёки тутқич юритмаси билан жисмоний алоқа қилиш имкониятига эга бўлмаслиги керак.

35. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларнинг конструкциясида поғоналарнинг ўтиш ва тўнтарилиш зонасида жойлашган механизмлар ва электр ускуналарни чанг ва ифлослик тушишидан ҳимоя қилувчи қурилмалар (филофлар, тагликлар ва ҳ.к.) кўзда тутилиши керак.

36. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларнинг ташқи қисмлари, машина хонаси, таранглаш станцияси ва туннель ўтиш жойларининг ёритилганлиги белгиланган талабларга жавоб бериши керак.

37. Эскалаторлар ва ҳаракатланувчи йўлакларнинг конструкцияси шундай лойиҳалаштирилган ва ишлаб чиқарилган бўлиши керакки, йўловчиларнинг фойдаланиш даврида хавфли ҳолатларни келтириб чиқармаслиги керак.

38. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлаклар бош ҳаракатлантирувчи валда жойлашган автоматик равишда ишлайдиган тормоз билан жиҳозланган бўлиши керак. Оғир режимда ишловчи эскалаторлар ва йўловчи конвеерлари ҳамда кўтарилиш баландлиги 6 м дан ортиқ бўлган барча эскалаторлар қўшимча тормоз билан таъминланиши керак.

39. Қўшимча тормознинг (тормозларнинг) электр таъминоти бир-бирини автоматик равишда алмаштирадиган иккита мустақил манбадан амалга оширилиши керак. Нормал ёпиқ тормоз ишлатилганда электр таъминоти битта манбадан бўлишига рухсат этилади.

40. Поғонанинг ишчи юзаси эскалатор ўқи бўйлаб жойлашган бўртиқ ва чуқурчалар кўринишида бўлиши керак. Зинапоя тўшамаси балюстрада ёнидаги бўртиқ билан тугаши керак. Иккита четки бўртиқлар ва улардан олдинги ҳар бир томондаги чуқурчалар ёрқин ажралиб турадиган рангга эга бўлиши керак.

41. Поғона остида вертикал бўртиқлар ва ботиқлар бўлиши мумкин, улар поғона тўшамасининг бўртиқ ва ботиқларига мос келиши ва лабиринт ҳосил қилиши керак.

42. Зинапоя тўшамасининг доимий таранглигини таъминлаш учун тортиб туриш қурилмаси кўзда тутилиши керак.

43. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларнинг зинапоя тўшамасига хавфсиз кириш ва ундан тушишни таъминлаш учун қия тишли кириш майдончаларини қуриш керак. Кириш майдончаларининг юзаси тарам-тарам бўлиши керак.

44. Кириш майдончаларининг қия тишлари алмаштириладиган бўлиши керак.

45. Кириш майдончасининг конструкцияси унинг остига бегона предметлар тушганда эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларнинг тўхташини таъминлаши керак.

46. Кириш майдончаси конструкциясида поғона тўшамасининг қия тишларига нисбатан тўғри йўналишини таъминлайдиган қурилма бўлиши керак. Бунда поғоналар тўшамасининг бўртиқлари қия тишлари орасидан бир-бирига ён томондан тегмасдан ўтиши таъминланиши керак. Қия тишларнинг учлари силлиқланган ва рейкали тўшаманинг бўртиқлари орасига ботирилган бўлиши керак.

47. Зинапоя лентаси тўшамасининг йўналтирувчилари тортувчи юлдузчанинг эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлак ўқи бўйлаб ҳар бир томонга эркин ҳаракатланишини ва тортувчи қурилма блокировкасининг ишга тушишини таъминлаши керак.

48. Трассанинг барча участкаларидаги йўналтирувчилар ва уларнинг туташмалари кўндаланг силжишдан сақланиши керак (компенсацияловчи туташма участкасидан ташқари).

49. Йўналтирувчилар шундай лойиҳаланиши керакки, ҳаракат вақтида поғоналарнинг горизонтал ҳолати таъминланиши керак.

50. Зинапоя полотноси ва тутқичларнинг иш тармоғи эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлаklar механизмлари ва металл конструкцияларидан мустаҳкам, қаттиқ, силлиқ ва қийин ёнадиган қоплама – балюстрада билан ажратилган бўлиши керак. Балюстрада техник хизмат кўрсатиш зарур бўлган жойларда қисмларга осон ажраладиган (тегишли асбобни қўллаган ҳолда) бўлиши керак. Балюстрада шундай ясалиши керакки, унинг элементлари орасида бирор нарсанинг тикилиб қолиши ёки тушиб қолиш эҳтимоли бўлмаслиги керак.

51. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларнинг икки томонидаги балюстрадага ҳаракатланувчи тутқичлар ўрнатилиши керак.

52. Тутқичларнинг ҳаракат тезлиги поғоналарнинг ҳаракат тезлигидан 2% дан ортиқ бўлмаган тезликка фарқ қилиши керак.

53. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлаklar қуйидаги ҳолатларни олдини олиш ва учун блокировка ускуналари билан жиҳозланиши керак:

тутқич узилганда, ҳаддан ташқари чўзилганда ёки тўхтаб қолганда;

ишчи ёки қўшимча тормоз ишга тушганда;

ишчи тормоз электромагнит якорининг юриш захираси регламентдан кам бўлганда;

кириш майдончаси кўтарилганда (очилганда);

эскалаторлар ва ҳаракатланувчи йўлаklar орасидаги ёки балюстрада химояси ортидаги исталган ўтиш жойида “STOP” қурилмасига, шунингдек “STOP” ўчиргичларига таъсир этганда;

кириш майдончалари олдида зинапоя кўтарилганда ёки туширилганда;

тутқич йўналтирувчилардан чиқиб кетганда;

ёпиш плиталари (қаватлараро эскалаторлар учун) кўтарилганда ёки ечилганда, бу ҳолда таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун эскалаторни ёрдамчи юритма орқали ишга тушириш имконини берадиган ускуна назарда тутилиши лозим;

ишлаётган эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлаklarнинг электр таъминоти рубильник билан ўчирилганда;

узатма занжири узилганда ёки ҳаддан ташқари чўзилганда;

Ушбу блокировкалаш қурилмалари шундай тарзда бажарилиши лозимки, улардан бирортаси (ишчи ва қўшимча тормозлар ҳамда кириш майдончалари блокировкаларидан ташқари) ишга тушган тақдирда, эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлаklarни фақат ушбу қурилмалар мажбурий равишда бошланғич ҳолатга келтирилганидан сўнггина ишга тушириш мумкин бўлсин.

54. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлаklarларнинг юқори ҳамда пастки қисмларида, ҳар икки томонда ҳам, шошилиш тўхтатиш мақсадида “STOP”

белгиси билан жиҳозланган, ўз-ўзидан аввалги ҳолатига қайтмайдиган ўчиргичлар ўрнатилиши шарт.

Ўз-ўзидан қайтадиган узгичларни ўз-ўзидан қайтмайдиган блокировка қурилмаси билан ўрнатишга рухсат этилади. Блокировкалардан бирортаси ишга тушганда, қайси блокировка эскалаторнинг тўхташига олиб келганини кўрсатувчи сигнал ёқилиши керак.

55. Қуйидаги ҳолатларда эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлаклар фавқулудда тормоз(лар) билан жиҳозланиши шарт:

агар эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлак оғир юк остида фаолият юритса;

агар ишчи тормоз зинапоёлар/пластиналар юлдузчалари ёки тасманинг барабанлари билан узатма валлар, тишли ғилдирақлар, кўп қаторли занжирлар ёки биттадан ортиқ якка қаторли занжирлар орқали механик боғланишга эга бўлмаса;

ишчи тормоз электромеханик тормоз бўлмаса;

йўловчиларни ташиш баландлиги 6 м дан баланд бўлса;

тутқич билан балюстрада орасига ёки балюстраданинг тирқишларига қўл бармоқлари тикилиб қолиши натижасида уларнинг шикастланиши хавфи бўлса;

ёпувчи ёнма-ён профиллар четлари билан кесилиш хавфи бўлса;

бино конструкция элементларига (деворлар, тўсинлар, безак элементлари) урилиш ёки қўшни эскалаторлар/ҳаракатланувчи йўлакчадаги йўловчилар билан тўқнашув хавфи бўлса

тутқич оғзига тикилиб қолиш ёки тортилиб кетганда;

ҳаракатланаётган юрувчи полотнанинг ва ҳаракатсиз конструкциялар (кириш майдончасидаги тароқ, фартук) орасида қисилиб қолиш хавфи бўлганда;

пол ва тутқич орасида қисилиб қолганда.

56. Йўловчилар эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларнинг ҳаракатдаги қисмлари (двигател, юрувчи полотно, тутқичнинг айланувчи қисмлари) билан бевосита алоқа қилмаслиги таъминланиши шарт.

57. Тутқич ва балюстрада орасидаги тирқишлар бармоқлар тикилиб қолиши ва шикастланишига олиб келмаслиги керак.

58. Ёпувчи ва бириктирувчи қисмларнинг четки қирралари кесилиш хавфидан ҳимояланган бўлиши керак.

59. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлаклар фойдаланиш пайтида бинонинг конструкция қисмлари (деворлар, том, безак элементлари) ёки қўшни қурилмалардаги йўловчилар билан тўқнашининг олдини оладиган қилиб жойлаштирилиши ва жиҳозланиши керак.

60. Тутқичнинг балюстрадага кириш қисми қўл ва бошқа жисмларни тортиб кетиш хавфини бартараф этадиган тарзда қурилган бўлиши шарт.

61. Ҳаракатланаётган юза ва ҳаракатсиз конструкциялар (кириш майдончаси гребенкаси, фартук) ўртасида қисилиб қолиш хавфини бартараф этиш чоралари кўрилиши керак;

62. Пол ва тутқич ўртасида тирқиш бўлмаслиги ва қисилиб қолиш хавфига йўл қўйилмаслиги керак.

3-§. Электр хавфсизлиги талаблари

63. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларнинг электр жиҳозлари, уни ўрнатилиши, электр таъминоти, ерга улаш ва эксплуатация қилиш техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ бўлиши керак.

4-§. Электромагнит мослигига қўйилган талаблар

64. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакчанинг электромагнит нурланиши, шунингдек ташқи манбалардан чиқаётган нурланишлар “ЭМН техник регламент”га мувофиқ бўлиши керак.

5-§. Ёнғин хавфсизлиги талаблари

65. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларнинг конструкцияси ёнғинга қарши хавфсизлик талабларига жавоб бериши керак.

66. Эскалаторлар ва ҳаракатланувчи йўлаклар амалдаги ёнғин хавфсизлиги талабларга мувофиқ бўлиши лозим.

67. Эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакчани жойлаштириш учун мўлжалланган жойлар қурилиш меъёрлари ва қоидаларида ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб бериши керак.

6-§. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлаклар жойлашган хоналар учун талаблар

68. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлаклар ўрнатиладиган хона уни монтаж ва демонтаж қилиш имкониятини таъминлайдиган ўлчамларга эга бўлиши, шунингдек эскалатор қисмларини кўздан кечириш ва уларга хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлиши ва бунда қуйидагилар назарда тутилиши керак:

а) юритмани ўрнатиш учун хона (машина хонаси), электр ускуналар ва бошқарув аппаратураси;

б) таранглаш қурилмасини ўрнатиш учун хона (таранглаш камераси);

в) зинапоя полотноси ва балюстрададаги тешиклар орқали таркибий қисмларга хизмат кўрсатиш имконияти таъминланган бўлиши керак.

г) эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлакларнинг машина хонаси (хандоғи)га эркин кириш таъминланиши, хандоқ қисми қопқоқлари устига бегона қурилмалар ўрнатилмаслиги керак.

69. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлаклар ускуналарини жойлаштириш учун мўлжалланган хоналарни иситиш ва шамоллатиш қурилмаси зарурлиги, бино (иншоот) ни лойиҳалашда эскалатор ишлаб чиқарувчиси томонидан унинг эксплуатация шароитларига қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак.

70. Эскалатор ва ҳаракатланувчи йўлаклар ускуналарини жойлаштириш учун мўлжалланган хоналарга қўйиладиган бошқа хавфсизлик талаблари

Қурилиш нормалари ва қоидалари, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

7-§. Техник ҳужжатларга қўйиладиган талаблар

71. Эскалаторлар ва ҳаракатланувчи йўлаклар Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида ва рус ёки инглиз тилларида (ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) ва харидор ўртасидаги келишувга кўра) тузилган ҳужжатлари билан етказиб берилиши керак, шу жумладан:

- эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлак паспорти;
- ўрнатиш (монтаж қилиш) чизмаси;
- принципиал электр схемаси элементлар рўйхати кўрсатилган ҳолда;
- электр уланиш схемалари;
- эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакнинг техник тавсифи;
- эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакдан фойдаланиш бўйича қўлланма;
- эҳтиёт қисмлар, асбоблар ва қўшимчалар рўйхати (шартнома шартларида кўрсатилган бўлса);
- хавфсизлик қурилмалари паспортлари (мавжуд бўлганда);
- фойдаланиш бўйича ҳужжатлар;
- эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакни йиғиш, ишга тушириш, созлаш бўйича кўрсатмаларни ўз ичига олган монтаж қилиш бўйича йўриқнома;
- синовдан ўтказиш тартиби.

72. Эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакнинг паспорти идентификациялаш учун асосий ҳужжат ҳисобланади. Паспортнинг мавжудлиги унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалада бўлиши учун мажбурий ҳисобланади.

73. Паспортда ишлаб чиқарувчи тўғрисидаги маълумотлар, эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакнинг ишлаб чиқарилган санаси ва унинг серия рақами, эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакнинг асосий техник тавсифлари ва унинг жиҳозларининг айрим турлари, ўрнатилган хавфсизлик мосламалари, белгиланган хизмат муддати кўрсатилади.

74. Паспорт ишлаб чиқарувчи томонидан берилган санани кўрсатган ҳолда расмийлаштирилади.

75. Паспорт эскалаторни фойдаланишга топширишдан аввал Вазирлар Маҳкамас ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасида рўйхатдан ўтказилади.

76. Фойдаланиш ҳужжатлари қуйидагилардан иборат:
фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича қўлланма (йўриқнома), фойдаланиш бўйича кўрсатмалар ва эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакни фойдаланиш пайтида уларнинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини, шу жумладан ишга тушириш, мақсадли фойдаланиш, текшириш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш;

- тез ейиладиган қисмлар рўйхати;
- одамларни эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлак платформасидан хавфсиз эвакуация қилиш бўйича қўлланмалар (йўриқномалар).

3-боб. Эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакни қадоклаш талаблари

77. Эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакларни қадоклаш учун ишлатиладиган материаллар ва моддалар хавфсиз бўлиши керак.

78. Қадоклаш ишончли бўлиши ва эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакларнинг сақланиши, уларни ташиш ва сақлаш вақтида хавфсизлигини таъминлаши керак.

4-боб. Эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакларни тамғалашга қўйиладиган талаблар

79. Ишлаб чиқарувчи томонидан етказиб бериладиган эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакларни Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида ва (ёки) томонларнинг келишувига кўра бошқа тилда тузилган юк ҳужжатларига, аниқ кўринадиган ва ўчиб кетмайдиган қуйидагиларни ифодаловчи идентификация ёзувларига эга бўлиши керак:

ишлаб чиқарувчининг номи ва (ёки) унинг товар белгиси;
номи ва (ёки) белгиси (тури, тамғаси, модели, агар мавжуд бўлса);
ишлаб чиқарилган ойи ва йили.

80. Юк ҳужжатлари қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакларнинг лойиҳа ҳужжатлари ва паспортлари;

ўрнатиш, йиғиш, созлаш ёки ростлаш бўйича йўриқнома;
эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича қўлланма (йўриқнома);

йиғиш чизмалари ва маълумотнома бирликлари;

йиғма бирликларига паспортлар;

прокат ва маҳкамлаш деталларига паспортлар;

бутлаш рўйхати.

81. Эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича қўлланма (йўриқнома) қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

ушбу Техник регламентнинг 79-бандида кўрсатилган маълумотлар;

эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакларни ишлатиш мақсадларига мувофиқ фойдаланиш бўйича кўрсатмалар, ишлатиш вақтида риюя қилиниши шарт бўлган хавфсизликни таъминлаш бўйича чоралар (шу жумладан, ишга тушириш, мақсадли фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, барча турдаги таъмирлаш ишлари ва техник кўрикдан ўтказишлар, ташиш ва сақлаш);

белгиланган хизмат муддати ёки белгиланган ресурс кўрсаткичлари;

муҳим носозликлар рўйхати, ходимлар йўл қўйиши эҳтимоли мавжуд аварияга олиб келиши мумкин бўлган хатоликлар ва бу хатоликларнинг олдини олиш бўйича ҳаракатлар;

чегаравий ҳолат мезонлари;

ишлаб чиқарувчининг (ишлаб чиқарувчи томонидан ваколат берилган шахс) номи ва жойлашган жойи, импорт қилувчи, улар билан боғланиш учун маълумотлар.

82. Эксплуатация қилиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича қўлланма (йўриқнома) қоғоз шаклда амалга оширилади. Унга ишлатиш ҳужжатлари тўплами электрон ташувчиларда илова қилиниши мумкин.

83. Агар ушбу Техник регламентнинг 79-бандида кўрсатилган маълумотларни эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакларига ёзишнинг (акс эттиришнинг) имкони бўлмаса, улар фақат эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакларнинг паспортида кўрсатилиши мумкин. Бундай ҳолда ишлаб чиқарувчининг номи ва (ёки) унинг товар белгиси, жиҳознинг номи ва белгиланиши (тури, маркаси, модели, агар мавжуд бўлса) қадокда туширилган бўлиши керак.

5-боб. Мувофиқликни баҳолаш

1-§. Эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакларни идентификация қилиш

84. Эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакларни идентификация қилиш, унинг тақдим этилган юк ҳужжатларига мувофиқлигини аниқлаш учун амалга оширилади.

85. Эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакларни идентификация қилиш унинг таснифлари ушбу Техник регламентнинг 79 ва 80-бандларида кўрсатилган маълумотлар билан бир хиллигини ўрнатиш йўли билан амалга оширилади.

Эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакларни идентификация қилиш учун маҳсулот таснифлагичида ва лойиҳа ҳужжатларида, шу жумладан, техник шартлар ва етказиб бериш шартномаларида кўрсатилган маълумотлардан фойдаланиш мумкин.

86. Эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлаклар идентификацияси эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакларнинг номи, тури (вазифаси) каби маълумотлари бўйича қуйидагилар томонидан ўтказилади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уни муомалага киритган ишлаб чиқарувчи (сотувчи);

маҳсулот мувофиқлигини баҳолаш ва тасдиқлаш мақсадида тегишли ишларни амалга оширувчи сертификатлаштириш органи;

давлат назорати органлари — Техник регламент талабларига мувофиқлигини текшириш мақсадида.

2-§. Намуна танлаш ва синовларни ўтказиш

87. Эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакларнинг техник регламент талабларига мувофиқлигини баҳолаш техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган усуллари қўллаган ҳолда амалга оширилади.

Эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакларни Техник регламент талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун зарур синов ва намуна олиш усуллари Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 14 августдаги 502-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

3-§. Эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлаклар мувофиқлигини тасдиқлаш

88. Эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакларининг ушбу Техник регламентнинг талабларига мувофиқлиги мувофиқликни сертификатлаш шаклида тасдиқланади.

Мувофиқликни тасдиқлашдан олдин эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакларни идентификация қилинади.

89. Мувофиқлик сертификати туркум ишлаб чиқариладиган Эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакларига уч йил муддатга, Эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакларни тўпига эса маҳсулотнинг яроқлилиги ёки кафолат муддатига тенг муддатда расмийлаштирилади.

90. Эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакларининг ушбу техник регламент талабларига мувофиқлигини сертификатлаш қуйидаги 1С, 3С ёки 4С схемаларига мувофиқ амалга оширилади.

1С схема — туркум ишлаб чиқариладиган эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакларини сертификатлаштиришда қўлланади. Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчининг ваколатли шахси) ҳисобланади ва сертификатланган маҳсулотларнинг мувофиқлик белгиси билан тамғаланишини таъминлайди;

3С схема — эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлакларининг тўпи учун қўлланилади. Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчининг ваколатли шахси) ёки сотувчи (импорт қилувчи) ҳисобланади ва сертификатланган маҳсулотларнинг мувофиқлик белгиси билан (импорт қилинган маҳсулотлар ариза берувчига қулай шаклда) тамғаланишини таъминлайди;

4С схема — ягона (битта) эскалатор ёки ҳаракатланувчи йўлаклар учун, техник регламентда белгиланган синон ва ўлчашларни ўтказиш жараёнида ушбу буюмга путур етказилмаса, қўлланади. Бунда ариза берувчи ишлаб чиқарувчи (ишлаб чиқарувчининг ваколатли шахси) ёки сотувчи (импорт қилувчи) ҳисобланади.

91. Мувофиқлик сертификати Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 14 августдаги 502-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ расмийлаштирилади.

6-боб. Ўтиш даври

92. Техник регламент кучга кирган пайдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган ва эскалатор ҳамда ҳаракатланувчи йўлакнинг хавфсизлигига қўйиладиган талабларни белгиловчи техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар улар техник регламентга мувофиқ мослаштирилгунича, техник регламентга зид бўлмаган қисмида қўлланилади.

93. Техник регламент кучга киргунга қадар олинган эскалаторлар ва ҳаракатланувчи йўлакларга бериладиган мувофиқлик сертификатлари уларнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар амал қилади.

7-боб. Техник регламент талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати

94. Техник регламент талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси, шунингдек саноат хавфсизлиги соҳасида ваколатларга эга бўлган бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади.

8-боб. Техник регламент талабларини бузганлик учун жавобгарлик

95. Техник регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Эскалаторлар ва ҳаракатланувчи йўлакларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги техник
регламентни жорий этиш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси	Техник регламент лойиҳасини ҳамда уларни қўллаш бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқади	1 ой муддатда
2-босқич	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси	Техник регламентларга илова қилинадиган стандартлар рўйхатини шакллантиради ва махсус ваколатли давлат органига тасдиқлаш учун киритади	Ўн иш куни
3-босқич	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги	Вазирлар Маҳкамасининг техник регламентни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан сўнг шакллантирилган стандартлар рўйхатини тасдиқлайди	Ўттиз иш куни муддатда
4-босқич	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги	Вазирлар Маҳкамасининг техник регламентни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан сўнг ушбу техник регламентни техник регламентларнинг маълумотлар базасига киритади	Беш иш куни мобайнида